Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 85 (6975). | 5 май, 1979 йил | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.



В. И. ЛЕНИН ўз иш хонасида. 1918 йил октябрь. ТАСС фотохроникаси.

МИЛЛИОНЛАР МИНБАРИ

БУГУН—МАТБУОТ КУНИ

БУГУН — совет матбуоти куни. Бу — миллионлаб совет кишилари нишонлайдиган анъанавий байрамдир. Улар матбуотни коммунистик идеаллар тантанаси учун курашда ўзларининг содиқ кўмакчилари, деб биладилар.

Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг матбуотимиз ҳаёт билан чамбарчас боғланган. У партиянинг синалган ғоявий қуроли. Совет кишиси матбуот орқали мамлакатимиз ҳаёти ва чет элдаги воқеаларнинг кенг манзараси билан танишади, улкан муваффақиятларимизнинг бутун жўшқинлигини, коммунистик бунёдкорлик ишларининг қудратли одимини муттасил ҳис қилади.

Жонажон партиямиз оммавий ахборот ва пропаганда воситаларини такомиллаштириш, уларнинг экономика ва маданият тараққиётига, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга таъсирини кучайтиришга доимо эътибор бериб, катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бу масала КПСС XXV съездида алоҳида қайд қилиб ўтилди. Бу съезд қарорлари барча совет журналистлари учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Социалистик ва коммунистик қурилишнинг барча босқичларида совет матбуоти ҳамиша воқеаларнинг нақ марказида бўлиб, ўзининг оташин, саммий, жўшқин сўзи билан кишиларни янги қаҳрамонликлар сари ундади. Вақтли нашрларимиз беш йилликларнинг ёркин йилномасидир. Совет халқи ана шу беш йилликлардан биринчисининг 50 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонламоқда.

Бугунги кунда ҳам совет матбуоти партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширишга ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Партия Марказий Комитетининг 1979 йил апрель Пленуми ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланган мамлакатимиз давлат ҳокимияти олий органининг биринчи сессияси халқимиз ижодий куч-ғайрати ва илҳомини жўш урдириб юборди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленум ва сессияда сўзлаган нутқлари ҳаракат учун конкрет қўлланма, матбуот ишларининг асосий мавзуларини белгилаб берган қондалар сифатида қабул қилинди.

Бутун совет халқи қаторн матбуот ходимларн ҳам Леонид Ильич Брежневга унинг ажойиб «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўрқиш» китоблари учун, тинчлик йўлида ҳормай-толмай олиб бораётган курашн учун Ленин мукофотн берилганлиги ҳақидаги хабарни чуқур қониқиш ҳамда қизғин маъқуллаш билан бирга кутиб олдилар. Жамиятимиз маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлган бу китоблар матбуот ходимлари учун воқеаларни чуқур, чинакам партиявийлик билан таҳлил қилиш, доно тафаккур, ҳар бир кишининг ақл-идроки ва юрагига етиб борадиган содда, саммий, илҳомбахш сўз намуналаридир.

Ана шу ажойиб воқеалардан руҳланган совет кишиларининг юксак маънавий активлиги ленинча коммунистик шанбалик қатнашчиларининг беминнат зарбдор меҳнатида, республикамиз саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги ходимлари, зиёлилари 1 Майни бутун мамлакат билан биргаликда катта ютуқлар билан нишонлаганликларида ёркин намоён бўлди.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, омманинг шижоаткорлиги ва ижодкорлигини беш йиллик тўртинчи йили план ва топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қаратиш шу кунниинг бош вазифасидир.

Мазкур вазифани бажаришда коллектив пропагандист, агитатор ва ташкилотчи бўлган матбуотимиз алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистонда ҳозирги кунда 272 та республика, область, шаҳар, район ва кўп тиражли газеталар, 75 та журнал нашр қилинмоқда. Тошкент областида икки область, беш шаҳар, 14 район ва 45 кўп тиражли газеталар чиқарилмоқда.

Бу нашрларнинг ҳар бирида меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун олиб бораётган кураши тўғрисида мақолалар, корреспонденциялар, репортажлар ёритилмоқда. Буларда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаси умумлаштирилмоқда ва умумхалқ мулки бўлиб қолмоқда, хўжаликка партия раҳбарлигини янада яхшилаш, Советлар, касаба союз, комсомол фаолиятини такомиллаштириш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга оид муҳим масалалар кўтарилмоқда.

Бизнинг газета ва журналларимиз меҳнаткашлардан минглаб хат-хабарлар олиб турибди. Ленин иборасн билан айтганда, бу мактублар бебаҳо инсоний ҳужжатлар бўлиб, уларда совет кишиларининг фикр-мулоҳазаларн ва ҳис-туйғуларн, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра яхшироқ ишлашга бўлган ватанпарварлик интилишларн ўз аксини топмоқда. Агар бизнинг ишимизда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётган бўлса, ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос барометри бўлмиш редакция почтасн ана шуларнинг адреслари ва сабабларини аниқ кўрсатиб бермоқда.

Шу боисдан ҳам меҳнаткашларнинг матбуот сўзига бўлган ишончи юксакдир. Газеталар ва журналлар, телевидение ва радио, информацня агентликлари ва нашрнётлар оммага худди шундай матбуот сўзини етказмоқдалар. Партиянинг содиқ жангчиларн ва ёрдамчилари бўлмиш ана шу органлар ходимларининг меҳнатн бизда чинакам давлат мавқеидагн иш даражасига кўтарилган.

Полнграфчилар, алоқа ходимларн ва матбуот тарқатувчиларининг меҳнатн, ҳар бир газетхон ва журналхонга кундалик ҳаётимизнинг жўшқин, тиғиз маромини тез ва сифатли етказишга ёрдам бераётган ҳамма кишиларнинг меҳнатн журналистлар иши билан чамбарчас қўшилиб кетмоқда.

Матбуотимизнинг юксак обрў-эътибори унинг ходимларн зиммасига катта масъулият юклайди. Партиявий матбуотнинг ленинча принципларига оғишмай риоя қилиш ва уни амалга ошириш, ҳамма илғор нарсаларни зийраклик билан пайқаб олиш, илғорларнинг тажрибасини изчил ва собитқадамлик билан кенг ёйиш, камчиликлар билан муросасиз курашиш — бу ва бошқа талабларни бажариш совет журналистн фаолиятининг бузилмас шартидир. Ҳар бир журналист ўз ижодига, бутун нашрнинг сифатига жиддий ва талабчан муносабатда бўлиши даркор.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумидаги нутқида қайд қилганидек, «Ҳозир совет кишиси сиёсий жиҳатдан ҳар қачонгидан ҳам саводли ва активдир. У оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳақли равишда юксак талаблар қўймоқда. Иш сифатини, самарадорлигини ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш — мафкуравий жабҳа ходимларининг бурчидир».

Леонид Ильич Брежневнинг кўпинча газета материалларида, телевиденне кўрсатувларн ва радно эшиттиришларида нишонарл ва жиддий умумлашмалар етишмайди, деган сўзларн редакцияларнинг ҳам, ўз матбуот органлари фаолиятига раҳбарлик қилиб турган партия комитетларининг ҳам ишини такомиллаштиришда конкрет программа бўлиб қолиши керак. Эълон қилинаётган материалларнинг муҳимлигн ва актуаллигини муттасил ошира бориш, уларда жонли фикр ва ҳис-туйғуни омухта қилиш, чинакам таъсирчанлигини оширишга эришиш зарур.

Партиямиз энг ўткир қуролининг жанговар кўриги бўлган Матбуот куни, шубҳасиз, кўп жиҳатдан ана шу вазифани амалга оширишга кўмаклашади.

КОСМИК ПАРВОЗДАГИ МАРДЛИК УЧУН

КРЕМЛДА СССР ВА БХР КОСМОНАВТЛАРИГА СОВЕТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 3 май куни Кремлда СССРнинг космонавт-учувчиси Н. Н. Рукавишников билан БХР граждани, тадқиқотчи-космонавт Георгий Ивановга Совет Иттифоқининг Олий мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!
Дўстлар!

Бугун кўклам гулларига бурканган Москвада биз космос қаҳрамонларини — совет ўртоғимиз Николай Рукавишников билан Болгария Халқ Республикасининг граждани ўртоқ Георгий Ивановни астойдил табриклаймиз.

Очиғини айтсам, мен уларнинг парвозини ҳаяжон билан кузатиб турдим ва бу парвоз эсон-омон тугалланганидан жуда ҳурсанд бўлдим. Космосни ўзлаштириш дарслигида бу парвоз алоҳида ўрин олишига аминман, чунки кема экипажи бениҳоя қийин шароитда ишлашига тўғри келди.

Азиз Рукавишников ва Иванов ўртоқлар! Энди сизларни самовий биродарлар деса бўлади. Биз сизларнинг мардлигингиз ва дадиллигингизга, профессионал маҳоратингизга офарин айтамиз. Аълю хизматингиз учун сизларга раҳмат.

Космонавтлар оиласига социалистик Болгария вакили қўшилди. Совет—Болгар дўстлиги қанотлари рус билан болгарни космосга кўтарди.

«Союз-33» кемасида учишни бажариш вақтида кўрсатилган қаҳрамонлик ва мардлик учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Николай Николаевич Рукавишников Ленин ордени билан мукофотланди, Болгариянинг биринчи космонавти Георгий Иванов Ивановга Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилиб, Ленин ордени билан «Олтин юлдуз» медали топширилади.

Азиз ўртоқлар, сизларни Совет Иттифоқининг шу юксак мукофотлари билан табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик ва космонавт-учувчи сифатидаги қийин меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

* * *

Н. Н. Рукавишников ўз нутқида бундай деди:

Ҳурматли Леонид Ильич, бизга кўрсатилган ишонч учун ва «Союз-33» космик кемаси экипажининг парвоздаги фаолиятига берилган шу қадар юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига, шахсан Сизга астойдил миннатдорчилик ва сидқидилдан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бу сафар космосда совет-болгар экипажи ишлади. Бизнинг учишимиз совет халқи билан болгар халқининг асрий, бузилмас дўстлиги эндиликда космик чўққига кўтарилганини яққол намойиш этди.

Бизнинг экипажимиз учиш вақтида қийин вазиятга тушиб қолди, аммо учиш муваффақиятли тугалланиши учун биз ҳамма ишни қилдик.

Н. Н. Рукавишников космонавтлар номидан КПСС XXV съездининг космонавтика соҳасида қўйган вазифаларини бажариш учун, совет халқининг ақл-заковати, истеъдоди ва таланти билан юзага келган космик техникадан илм-фанни янада ривожлантириш, халқ хўжалиги вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, ватанимиз ва бутун социалистик ҳамдўстлик қудратини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш учун ҳамма ишни қиламиз, деб КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда берди.

Сўнгра Г. Иванов сўзга чиқди. Менга Олий мукофот—Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ва Ленин ордени топширилдажаги тўғрисидаги хабарни эшитиб бениҳоя тўлқинландим, деди у. Бу—мен учун катта шарафдир!

Бунинг учун мен КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, шахсан Сизга, азиз Леонид Ильич, миннатдорчилик ва ташаккур билдираман ҳамда бу мукофотларни Болгария Халқ Армиясига ва бутун болгар халқига берилган мукофот деб қабул этаман.

Менинг кичик Болгариям ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қиладиган «Интеркосмос» программасига мувофиқ одам бошқарадиган учишларда бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга актив қатнашаётганлиги учун бахтиёрман, фахрланаман ва қувонаман.

Бу парвоз болгар ва совет халқларининг бузилмас дўстлигини яна бир карра тасдиқлаб турибди. Ҳурматли Леонид Ильич, Сиз ва Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тодор Живков шу дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаяпсизлар.

Бу дўстлик ҳар бир болгарнинг дилига жо бўлган, қон-қонига сингиб кетган.

Г. Иванов ўзларини шу парвозга тайёрлаган, кемасининг учишини таъминлаб турган, ажойиб космик кемани яратган барча кишиларга миннатдорчилик изҳор этди.

Болгар космонавти қаҳрамон халқ, меҳнаткаш халқ, коммунизм қураётган халқ — улуғ совет халқи шарафига табрик сўзлари айтди.

Нутқлар зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

«Союз-33» космик кемасининг экипажи ўз ёнларида парвозга олиб кетган «Кичик ер» китобини ва иккала мамлакатнинг давлат байроқлари тасвирланган вимпелларни, шунингдек космосдаги совет—болгар қардошларча ҳамдўстлигининг рамзи бўлмиш СССР ва БХР гербларининг эсдалик барельефларини Леонид Ильичга топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари авиация генерал-майори А. Г. Николаев, учиш раҳбари, СССРнинг космонавт-учувчиси А. С. Елисеев, шунингдек БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).



Суратда: мукофотларни топшириш пайти. А. Пахомов фотоси («Правда»).

КОММУНИЗМ ҚУРИШ ҚУРОЛИ

А. ҲУЖАЕВ,
Тошкент область партия комитетининг секретари.

●

ДОҲИИМИЗ Владимир Ильич Ленин матбуот социализм қуриш қуроли сифатида хизмат қилиши керак, деб таъкидлаган эди. Янги жамият қуриш учун бошланган курашда совет матбуоти партия ва халққа садоқат билан хизмат қилиб келаяпти. Беш йилликлар даврида у социалистик мусобақани ташкил этишда ташаббускор бўлди. Мусобақа давомида туғилган ташаббуслар партия матбуотида кенг ёритилди.

Коммунистик жамият қурилиши жараёнида матбуот партиянинг иқтисодий стратегиясини амалга оширишда қудратли қурол бўлиб ўз бурчини ҳалол бажаряпти. КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларида, Марказий Комитетнинг социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш, Литва ССР матбуотида социалистик мусобақа масалаларининг ёритилиши, Томск область партия комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги юзасидан қабул қилган қарорларида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти атрофлича анализ қилинди, газета ва журналларнинг ғоявий даражасини ошириш, босилаётган мақолаларнинг таъсир кучини ўстириш, иш самарадорлигн ва сифатини ошириш соҳасида матбуот олдида турган вазифалар конкрет белгилаб берилди.

Давр билан бирга қадам ташлаётган матбуотимиз кундалик ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни, туғилаётган ватанпарварлик ташаббусларини, эришилаётган муваффақиятларни турли форма ва жанрларда кенг газетхонлар оммасига етказмоқда. Область, шаҳар, район газеталари асосий эътиборни ишлаб чиқаришга, фан ва техника ютуқларини, янги технологня ва иш усулларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратмоқдалар, мусобақага партия раҳбарлигини такомиллаштириш масалаларини тўлақонли ёритишга интилмоқдалар.

«Тошкент оқшоми»—«Вечерний Ташкент» газеталари социалистик мусобақани ривожлантиришда, план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда тўпланган тажрибаларни оммалаштиришда, мусобақанинг ошкоралигини таъминлашда турли формалардан самарали фойдаланмоқда. Газета саҳифаларида мусобақалашаётган районларнинг иш якунлари мунтазам бериб борилмоқда, ишлаб чиқариш илғорлари билан давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Меҳнат рақобатини ёритишда «Ангренская правда», «Социалистический Чирчик», «Пахтакорлар овози», «Янгийўл» газеталари бой тажриба тўпланганлар. Бу газеталарнинг саҳифаларида илғор коллективлар, мусобақа голиблари бажараётган ишлар тўлақонли ифодаланмоқда. Улар иш сифати ва самарадорлигини оширишга, пахта ҳосилдорлигини ўстиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашга кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Ўтган йили Чиноз район «Ленин байроғи» газетаси пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишга отланган бир группа ташаббускор бригада бошлиқларининг барча пахтакорларга Мурожаатини босиб чиқарди. Бу ташаббус район партия комитети томонидан маъқулланган, барча хўжаликлар бўйлаб кенг қулоч ёйди. Ташаббускорлар бошлаган хайрли иш яхши самара берди. Райондаги 14 бригада 50 центнердан ошириб ҳосил олди. Кўплаб коллективлар пахта ҳосилдорлигини 40—45 центнерга етказдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Область оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятида катта сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Эндиликда матбуотимиз, телевидение ва радио эшиттириш редакцияларимиз катта жамоатчи активлар армиясига эга. Улар ўз хабар ва мақолалари билан газеталар мазмунини янада бойитмоқдалар, саҳифаларга янги-янги темаларни олиб кирмоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

МАТБУОТ КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

4 май куни Тошкентда матбуот кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Газета, журналлар, телевидение ва радио редакциялари ходимлари, ишчи-деҳқон мухбирлар активининг, нашриётлар, полиграфия корхоналари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари Навоий номли театрга келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди.

«Правда Востока» газетасининг редактори Н. Ф. Тимофеев доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАЗОРАТИ ОСТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссияси 4 майда ўтказилган мажлисида республика Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР алоқа министрлиги иши тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди. Республика алоқа министри Т. М. Тўхтаев ҳисоб берди. Олий Совет Президиумининг йўл-йўриқлари жойларда қандай амалга оширилаётганлигини текшириб чиққан комиссия аъзоларининг ахбороти ҳам тингланди.

Доимий комиссия алоқа воситаларини ривожлантириш даражаси ва уларнинг иш сифати халқ хўжалигининг эҳтиёжларига, аҳолининг ўсиб бораётган талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермаётир, деб таъкидлади.

Депутатлар алоқа министрлигига, республиканинг бошқа министрликлари ва идораларига, жумладан, қурилиш ташкилотларига, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари область советлари ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар совети ижроия комитетига алоқа органларининг ишини янада яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширишни таклиф этдилар.

(ЎзТАГ).

ГЕКТАРИДАН 45 ЦЕНТНЕР УЧУН

Кенг дала. Бир текис униб чиққан ғўза ниҳоллари кўзни қувонтиради. Бу — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг коммунист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Жонар Ёқубова бошлиқ бригадасига қарашли пайкаллар.

Моҳир пахтакор бошлиқ деҳқонлар ўтган йили ҳар гектаридан 35 центнердан пахта, 200 центнердан канop пояси, 100 центнердан маккажўхори дони ҳосили олган эдилар.

Айни кунларда Гофир Қаюмов, Абдушукур Ҳасанов каби механизаторлар, Тожиаҳмад Бойқўзиев, Аҳмад Талабов сингари сеялкачиларнинг ғайрати туфайли ниҳоллар бир текис унднриб олинди. Ҳозир парвариш ишлари қизғин.

Ғўза парваришида Райхон Қорабекова, Замира Аъзамова, Назира Толиповалар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Бу йил ҳар гектаридан 45 центнердан пахта, 220 центнердан канop пояси, 110 центнердан қаҳрабо дон ҳосили оламиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Ёқубова.

С. МУСАЕВ.

ҚУЁШДАЙ БАРҲАЁТ ТАЪЛИМОТ

(К. МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 161 ЙИЛЛИГИГА)

ҲАЁТБАХШ илмий коммунизм таълимотининг асосчиси, гениал мутафаккир, оташин революционер, жаҳон пролетариатининг буюк устози ва йўлбошчиси, башорат Прометейи Карл Марксни. Ер куррасидаги прогрессив инсоният ҳамиша зўр ифтихор ва чексиз миннатдорчилик билан хотирлайди, чунки бу улуғ ИНСОН ўзининг бутун онгли ҳаётини, ақлу заковатининг генийсини, улкан қалбининг қайноқ ҳароратини инсоният-га, унинг бахтли келажаги учун курашга бағишлаган эди.

1818 йил 5 майда собиқ Пруссиянинг Трир шаҳридаги адвокат оиласида дунёга келган Карл 17 ёшида гимназияни, 22 ёшида университетни тугаллайди ва диссертация ёзиб, фаслафа доктори дипломини олади. Отаси Генрих Маркснинг ўз фарзандидан умиди катта эди: у ўғли Карлнинг катта олим, профессор, юксак мартабали арбоб бўлишини орзу қиларди. Шундай бўлиши мумкин ҳам эди— ёш Карл гимназияда ва университетда ўқиб юрган кезларидаёқ тиришқоқлиги, серфикрлиги, билимининг пухталиги ва теранлиги ҳамда ноёб истеъдоди билан кўпларни танг қолдирган, ҳайратга солган эди. Бироқ, Маркс бу йўлдан онгли суратда воз кечди. Буни англамоқ учун гимназияни тугаллаб, катта ҳаёт бўсағасида турган ўспирин Маркснинг юрак сўзларига қулоқ солмоқ кифоя, «Агар одам ўзи учунгина меҳнат қилса, — деб ёзади 17 ёшли Маркс, — балки машҳур олим, улкан донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон чинакам баркамол ва буюк инсон бўлолмайди. Тарих умум манфаати йўлида меҳнат қилиб, камол топган кишиларнигина буюк инсонлар сифатида тан олади; энг кўп одамларга бахт келтирган кишигина энг бахтли инсон дея улуғланади».

К. Маркснинг башорат олдидаги буюк хизматлари шундаки, у тарихий ривожланишнинг бутун бориши кун тартибига қўйган саволларга аниқ ва мукаммал жавоб топиб берди. Маркс инсониятнинг ижтимоий онгида зўр инқилоб ясади, пролетариатнинг тарихий ривожланиш қонунларини тўғри акс эттирувчи илмий дунёқарашни ишлаб чиқди. У социализмни утопиядан фанга айлантирди, капитализм ҳалок бўлиши ва коммунизмнинг тантана қилиши муқаррарлигини асослаб берди. К. Маркс ишчилар синфининг тарихий вазифаси эксплуататорлар тузумининг гўркови ва социалистик жамиятнинг бунёдкори эканлигини тушунтириб, бу билан ишчилар синфини қуроллантирди. Пролетариатни озод қилиш учун кураш Маркс ҳаёти ва фаолиятининг асосий мазмуни бўлди. Маркс ўз жўшқин табиатига хос бўлган бутун эҳтироси билан шу курашга шўнғиб кетди.

Революцион кураш жабҳаларида ва ҳаёт машаққатларини енгиб ўтишда Маркс ўзининг жанговар сафдоши ва энг яқин дўсти Энгельсдан ҳамиша бегараз ва беминнат маънавий ва моддий мадад олиб турди. Маркс билан Энгельс биринчи бор 1844 йил август ойи охирларида Парижда учрашдилар. Икки буюк зотнинг тилларда достон бўлган ва зўр таҳсинларга лойиқ ноёб дўстлиги худди шу ерда қарор топди ва қарийб ярим аср давом этди. Шу йилдан бошлаб улар давр революцион воқеаларининг марказида ҳамиша ёнма-ён турдилар, пролетариатнинг революцион таълимотини биргаликда ишлаб чиқдилар. Тарихда мисли кўрилмаган бу дўстлик ва ҳамкорлик башариятга диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмнинг мукаммал назариясини ўз ичига олган МАРКСИЗМ таълимотини инъом этди.

Шу йилларда улар ҳамкорликда яратган «Муқаддас оила», «Немис идеологияси» асарларн, Маркс томонидан ёзилган «Фейербах ҳақида тезислар», «Фалсафа қашшоқлиги» асарлари пайдо бўлди. Маркснинг «Фейербах ҳақида тезислар»и, Энгельснинг таърифича, «янги дунёқарашнинг буюк кургагининг ўзида мужассамлаштирган биринчи муҳим ҳужжат эди. Бу асарида Маркс «Философлар дунёни турлича тушунтириб келдилар, эндиги вазифа уни ўзгартишдан иборатдир», — деб баралла айтди. Шу даврдан бошлаб марксистик философия табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот сифатида воқеликни тушуниш ва уни ўзгартишда қудратли қурол бўлиб қолди.

1847 йили Маркс ва Энгельснинг жонбозлиги ва бевосита раҳбарлигида биринчи халқаро пролетарлар ташкилоти — «Коммунистлар Союзи» барпо этилди. «Союз»нинг иккинчи конгресси топшириғига мувофиқ улар келгусида жаҳон ишчилар ҳаракатининг йўлчи юлдузи бўлиб қолган «Коммунистик партия манифестини ёздилар. 1848 йил февралида босилиб чиққан бу китобча илмий коммунизмнинг дастлабки программ ҳужжати бўлди. Маркс ва Энгельс мазкур китобчада пролетар интернационализмининг улуғ принципини намойиш этиб, жаҳон меҳнаткашларига қарата: «бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» — деб ҳайқирдилар. В. И. Ленининг таъкидлашича, бу асарда янгича дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ҳам ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий курраш назарияси ва янги, коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул — тарихий революцион роли тўғрисидаги назария доҳиёна тарзда аниқ ва равшан баён этилган эди.

1848 йил революцияси чоғида Маркс ва Энгельс революцион кураш айни қизиган Германияда эдилар. Маркс 1848 йил 1 июнидан чиқа бошлаган «Янги Рейн газетаси»да бош редактор вазифасида ишлардн. Маркс ва Энгельс раҳбарлигида чиқиб турган бу газета пролетариат манфаатларини оғишмай ҳимоя қилди, шу даврдаги барча йирик революцион воқеаларга акс-садо бериб турди, Энгельснинг сўзлари билан айтганда, пролетар оммаларини янгидан-янги курашларга илҳомлантириб ва руҳлантириб турди.

1848—1849 йил революцияси мағлубиятга учраб, газета ёпиб қўйилгач, ашаддий реакция йиллари бошланди, Маркс қувғинга учради. У энди Лондонга кўчиб боради ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилади, бутун ҳаётининг буюк маҳсули бўлган «Капитал» асари устида ишлайди.

«Капитал»га материал тўплаш ва уни тартибга солиб ёзиш учун Маркс Британия музейи кутубхонасида 33 йил муттасил ишлади, жами сакқам 40 йиллик умрини сарфлади. Бу асарни ёзиш учун Маркс ўндан ортиқ тилни мустақил ўрганганлигини, юзлаб китоблар, статистик ҳужжатлар ва хилма-хил тўпламларни қунт билан ўқиб-мутолаа қилганлигини айтсак ва бунинг устига, ўқиш ва ёзиш бобида Марксннинг ниҳоятда ишчан бўлганлигини таъкидласак, «Капитал»ни ёзиш учун нақадар улкан меҳнат сарфланганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Карл Марксни бутун умри давомида таъқиб қилган яна бир нарса моддий қийинчилик эдики, буни Марксннг Энгельсга ёзган қуйидаги хатидан равшан кўриш мумкин: «Шундай қилиб, бу том тайёр бўлди. (Бу ўринда гап «Капитал»нинг 1 томи устида боряётир). Бу фақат сенинг ёрдаминг туфайли мумкин бўлди! Сенинг бунчалик фидокорона ёрдаминг бўлмаганида, мен уч том учун лозим бўлган улкан ишнинг ҳаммасини асло бажара олмас эдим. Сенга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдириб, саммият билан қучаман».

К. Маркс улуғ назариётчигина эмас, балки истеъдодли амалиётчи ҳам эди. У ўз таълимотини ишчилар ҳаракатининг тажрибалари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борди. Жанговар дўсти Ф. Энгельс билан биргаликда «Халқаро ишчилар жамияти» — I Интернационални ташкил этди, унга қарийб ўн йил раҳбарлик қилиб турди. «Осмонни штурм» қилолган, капиталистик тузум асосларини ларзага солган коммунарларга ҳар томонлама кўмаклашди. Париж Коммунасининг оламшумул — тарихий аҳамиятини кўрсатди, у пролетар давлатининг дастлабки кўриниши эканлигини таъкидлади.

Илмий коммунизм асосчилари назарияга ижодий муносабатда бўлиш, уни революцион практика билан боғлиқ ҳолда ривожлантириб бориш зарурлигини уқтирдилар, ўз таълимотларини қандайдир жонсиз схема, догма эмас, балки ҳаракат учун амалий қўлланма, деб ҳисобладилар.

Маркс—Энгельс ишларининг гениал давомчиси В. И. Ленин янги тарихий шароитда фаннинг буюк кашфиётларини илмий тарзда умумлаштириб, уни ишчилар синфи кураши тажрибалари билан боғлаб, устозлари яратган ўлмас таълимотни янада ривожлантирди ва уни юксак босқичга кўтарди.

К. Марксни дафн этиш чоғида (у 1883 йил 14 мартда вафот этди) Ф. Энгельс унинг башорат олдидаги буюк хизматлари ҳақида гапириб, унинг номи ҳам, ишлари ҳам абадий барҳаёт қолади, деган эди.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Улуғ Ленин барпо этган Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь инқилобининг ғолибона амалга оширилганлиги, эндиликда мамлакатимизда ривожланган социализм қарор топганлиги ва тобора такомиллашиб бораётганлиги, жаҳон халқларининг қарийб учдан бир қисмини бирлаштирган социалистик мамлакатлар узра марксизм-ленинизм байроғининг мағрур ҳилпираётгани, Осиё, Африка ва Америка қитъаларида миллий озодлик ҳаракатининг кун сайин авж олиб бораётгани — булар ҳамма-ҳаммаси Карл Марксннинг номи ҳам, таълимоти ҳам барҳаёт эканига ёркин далилдир.

В. АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ журналистика факультетининг доценти.

Дунё овози

Чет эл хабарлари

Х. АМИННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОБУЛ. 4 май. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасининг бош министри ва ташқи ишлар министри Ҳ. Амин бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шундай деди: Афғонистон Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома регионда ва бутун дунёда тинчликни сақлаш ишига хизмат қилади.

АДР, деб таъкидлади у, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлиб, ижобий бетарафлик сиёсатини ўтказмоқда, фаластиилик араб халқининг ўз қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш йўлидаги курашини қўллаб-қувватламоқда, агрессив ҳарбий блокларга қарши чиқмоқда.

Революциямизнинг мақсади — одам-одамга жабр-зулм қилмайдиган жамият қуришдан иборат, деди бош министр.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиги реакция ва империализмнинг кирдикорларини кескин қоралади. Афғонистон ҳукуматининг ихтиёрида империализм ва Пекин агентларининг Афғонистондаги иғвогарлик ҳаракатларини фош қилувчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар бор, деди у.

АДР бош министри демократик Афғонистон билан бирдам бўлган жаҳон халқларига астойдил миннатдорчилик изҳор этди. Бизнинг халқимиз, деди Ҳ. Амин, ўз революциясн душмани кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётганлиги билан фахрланади. У яна шу билан ҳам фахрланадики, унинг янги жамият қуришда, порлоқ келажак учун курашда бирдам бўлган дўстлари кўп.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПАРИЖ. Франция Республикаси президенти В. Жискар д'Эстэн бундай деди: олий даражадаги Франция—Совет учрашуви «европада кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик сиёсатини давом эттириш учун ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг аҳамиятини уқтирди. Франция билан ССР ана шу сиёсатнинг ташаббускорлари бўлган эдилар ва улар ҳозирги сиёсатни давом эттиришга қатъий аҳд қилганлар».

БУЭНОС-АЙРЕС. Уругвайда нарх-наво тинмай ошиб бормоқда. Электр энергиядан фойдаланиш ҳақи 17,5 процент, сув учун 10 процент, телефон ҳақи 20 процент ва газ учун тўланадиган ҳақ 22,5 процентга ошганлиги 1 май куни эълон қилинди. Ёқилғининг ҳар хил турлари 25 процент қимматлашди.

(ТАСС, 3 май).

ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. 4 май. (ТАСС). ЮПИ агентлиги мухбирининг хабар қилишича, Пентагон ҳузуридаги миллий мудофаа университетининг генерал-лейтенант Р. Гард бошчилигидаги Америка ҳарбий делегацияси расмий визит билан Пекинга келди. АҚШ ҳарбий делегацияси биринчи марта Хитой ҳукуматининг таклифига биноан ХХРга ташриф буюрди. Мухбирнинг қайд этишича, делегация составига кирувчи АҚШ армияси, флоти ва авиациясининг юқори мансабдор намояндалари ҳарбий фанлар академиясида, ҳарбий қисмларда бўладилар, мамлакатнинг турли районларидаги ҳарбий объектларни кўздан кечирадилар.

ТОКИО. 3 май. (ТАСС). Япониядаги «Акахата» газетаси Америка генералларининг Хитойга қилган бу визити Дэн Сяопинининг якинда Америка сенаторлари билан учрашув вақтида Хитой территориясида Америкаиинг разведка аппаратларини жойлаштириш тўғрисида ва Пекининнг АҚШдан «Г-15» ва «Г-16» янги қирувчи самолётларни сотиб олиш истагида эканлиги тўғрисида айтган гаплари билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Газетанинг уқтиришича, ҳозир Пекин раҳбарлари ўзларининг гегемончилик, агрессив қора ниятларини амалга ошириш учун Вашингтон ва Токио билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишга зўр бермоқдалар. Хитойнинг Вьетнамдаги агрессияси барбод бўлгандан кейин Америка ҳарбий делегациясининг визити алоҳида маъно касб этади, чунки Америка генераллари шу мамлакатда уруш ҳаракатлари олиб бориш соҳасида катта тажриба орттирганлар. Пекининнг ҳаракатлари кескинликни кучайтирали ва Осиё халқларининг хавфсизлигига таҳлика солади, деб таъкидлайди «Акахата» газетаси.

ХАВОТИРЛИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. 3 май. (ТАСС). Ливанда аҳвол ҳамон хавотирли бўлиб турибди. Кеча Байрутнинг бир қанча шарқий районларида консерватив «Ливан фронти»нинг отрядлари билан тинчликни сақловчи араб давлатлариаро кучлари ўртасида ўнглар чиқарган тўқнашув юз берди. Бу тўқнашувлар чоғида бир киши ўлдирилди ва 7 киши жароҳатлантирилди.

Ўнг христиан отрядлар шаҳарнинг ғарбий сектори билан шарқий секторини ажратиб турувчи «яшил чизиқ» деб аталмиш чизиқда Ливаннинг 7 нафар ҳарбий хизматчисини гаровга ушлаб олдилар. Шу ҳаракат натижасида Ливан пойтахтидаги аҳвол янада кескинлашди. Шаҳарнинг бир қанча районларида автомобиль ҳаракати тўхтатиб қўйилди.

Ливан армиясининг бўлинмалари билан консерваторлар ўртасида отишма бўлди.

Мамлакатнинг жанубида Исроил ҳарбийлари ва уларнинг ўнг христианлардан иборат ёлланган отрядлари тинч шаҳар ва қишлоқларни тўпга тутишни давом эттирмоқдалар. БМТнинг муваққат кучлари билан тўқнашувлар чиқармоқдалар.

Маҳаллий сиёсий обзорчилар Ливаннинг жанубида, шунингдек Байрутда кескинликнинг зўрайиши Тель-Авивнинг режаларига тўла мувофиқ рўй бермоқда, деб таъкидламоқдалар. Тель-Авив Миср — Исроил сепарат битимини рад этувчи араб мамлакатларига тазйиқ кўрсатиш учун Ливандаги танглиқдан фойдаланишга уринмоқда.

ДЎҚ ВА ИҒВОГАРЛИК СИЁСАТИ

ХАНОЙ. 3 май. (ТАСС). Хитой томони Вьетнам-Хитой чегарасидаги кескинликни ҳамон кучайтирмоқда. ВСРга қарши иғвогарликларни активлаштирмоқда. Вьетнам ахборот агентлиги — ВИАнинг хабар беришича, 20 апрель куни Хитой солдатлари Лайтяу вилоятидаги Тунгшангванг қишлогини автоматлардан ўққа тутдилар. Келгуси куни Вьетнамнинг Каобанг вилоятидаги Талунг чегара постига ўқ отилиб турди.

24 апрель куни Хитой ҳарбий самолётлари Куангнинь вилоятидаги Тханфун-Похен секторида ВСРнинг осмон чегарасини бузиб ўтди. Шу кунниинг ўзида Хитой солдатларининг катта бир группаси 70 ва 74-чегара белгилари оралигида Вьетнамнинг давлат чегарасидан ўтиб, Вьетнам территорияси ичкарисида минолар жойлаб кетди.

ВИА агентлигининг хабар қилишича, 25 апрелда Хитой солдатлари Каобанг вилоятидаги Лунгнием қишлоғини ўққа тутдилар, натижада тинч аҳолидан кўп киши жароҳатланди. Ўша кунниинг ўзида Хитой ҳарбий хизматчилари Каобанг вилоятининг Филбанг ва Кайви қишлоқларига бостириб кирдилар.

Апрель ойининг сўнгги кунларида Хитой томони Каобанг, Хоанглиеншон ва Лайтяу вилоятларида ВСРнинг аҳоли пунктларини ўққа тутди, ер ва осмон чегарасини бузиб ўтди.

Хитой территориясида ўрнатилган радио карнайларидан туҳмат ва иғво гаплар, Вьетнам халқига қарши яна агрессия бошлаш тўғрисидаги дўк-пўписалар доимо эшитилиб турибди.

Хитой томони Вьетнамга бўҳтон қилиб ва Вьетнам халқига дўқ уриб, шу тариқа Вьетнам томонининг иккала мамлакат чегара районларида тинчлик ва стабилликни таъминлаш тўғрисидаги таклифларига жавоб беришдан бош тортмоқда, дейилади «Куанг Дой Нян Зан» газетасининг бугунги редакцион мақоласида.

Хитой томони, деб қайд этади газета, Вьетнамнинг демилитарлаштирилган зона вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини рад этиш билан чегара районларидаги кескинликни давом эттириш, Вьетнамга қарши яна ҳарбий авантюралар қилиш ниятларини фош этиб қўйди. Хитой қўшинлари Вьетнам территориясидаги ўнгтадан ортиқ пунктни ҳамон оккупация қилиб турибди, ҳандақлар қазламоқда ва шу пунктларда ҳарбий истеҳкомлар қурмоқда.


ДЕНГИЗДА... НЕФТЬ ДЕНГИЗИ

ПАРИЖ, 3 МАЙ. (ТАСС). Ҳар йили нефть ташийдиган танкерларнинг шикастланиши натижасида денгиз ва океанларга 500 минг тонгача нефть тўкилади. Франция нефть институтининг мутахассислари 1955 йилдан ҳозирги вақтгача рўй берган шу каби 400 та ҳодисани анализ қилиб, шундай хулосага келдилар.

Институтнинг чамасига кўра, денгизлардаги парма вишкаларида рўй берадиган авариялар, сув ости нефть конлари бўлган районларда нефтнинг табиий силқиб денгизга ўтишини ҳисобга олинса ҳар йили денгиз ва океанларда нефть нобуд бўлиши 10 миллион тоннадан ошади.



ТОШКЕНТ метрополитенининг иккинчи навбати қурилиши жадал давом этмоқда. Метросозлар 1 Май байрамини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олишяпти. Суратларда: бир группа илғор қурувчилар. Метронинг «Чилонзор» станцияси.



ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗ

ДЕПУТАТЛАР—ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА

...Қишлоқ Советининг бугалги йиғилишига ҳар иккала хўжаликдан тажрибали мутахассислар, энтомологлар, бригада бошлиқлари таклиф этилди. Кун тартибидаги масала битта: ғўзага зарар етказувчи ҳашорат тарқалишининг олдини олиш. Қишлоқ хўжалиқ ишлари бўйича доимий комиссия раиси Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи Ғулом Бердибоев хўжаликлар территориясида ўтказилган текширишлар натижасини сўзлаб берди. Колхознинг Афанасий Кан бошлиқ бригадаси далаларида зарарли ҳашаротлар пайдо бўлганлиги, уни бошқа бригадаларга ўтмасдан йўқотиш зарурлиги ҳақида гапирди. Кейин йиғилганларнинг фикрини сўради. Кан О Нам, Нарзулла Маҳмудов сингари деҳқончиликда кўзи пишган тадбиркор мутахассислар сўз олишиб, ҳашаротларни йўқотиш юзасидан маслаҳатлар беришди. Йиғилишда белгиланган қатор тадбирлар тез орада амалга оширилиб, зараркунандалар ҳавфи бартараф этилди...

Бу қишлоқ советининг қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссияси ўтган йилги фаолиятидан бир лавҳа, холос. Территориямизда «Партия XXII съезди» ва Энгельс номли колхозлар жойлашган. Уларда пахта, каноп ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги йил сайин ортиб, экономика юксалиб бормоқда. Ҳар иккала хўжаликда ўтган йили гектар ҳисобига 31.8 центнердан «оқ олтин» етиштирилди. Давлатга гўшт, маккажўхори дони, пилла, жун ва сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан ҳам план топшириқлари ортиги билан уддаланди. Ана шу ютуқларда депутатларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар ўз самарали меҳнатлари билан бирга юқорида айтганимиздек турли хил муҳим тадбирларнинг ташкилотчилари бўлиб ҳам майдонга чиқмоқдалар.

Бу йилги мўл ҳосилга пухта замин яратиш йўлида ҳам халқ вакиллари бошқаларга ибрат бўлаётирлар. Уларнинг бевосита иштироки ва назоратида кузги-қишки режалар кўнгилдагидек амалга оширилди. Ерларимиз кузда оби-тобида шудгорланди. Шудгор сифати қишлоқ Совети депутатлари томонидан мунтазам текшириб борилди. Қиш фаслида хўжаликларда сеялка, борона ва ҳайдов тракторлари қисқа муддатларда ремонтдан чиқарилди.

Эрта баҳорданоқ халқ вакиллари ҳар йиғилдек ўз долзарб вазифаларини адо этишга киришдилар. Март ойининг охирида бўлиб ўтган сессиямизда экишга тайёргарлик ва чигит экишни энг қулай агротехник муддатларда тугаллаш, уни ернинг ўз намига ундириб олиш тадбирлари муҳокама қилинди. Бу соҳада конкрет таклифлар киритилди. Механизация ёрдамида карталар текисланиб, суғориш учун қулайлаштирилди. Ернинг намини сақлаб қолиш учун эртанги бороналаш ишлари амалга оширилди. Ерга-ер қўшилди. Экиш сифатини ошириш ва уни қисқа муддатларда якунлаш учун бригадалараро ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилиб, унинг голиблари ўз вақтида мукофотлаб борилди. Р. Шеримов, Б. Нуриев ва Т. Абдураимов сингари техника ихлосмандлари ўз агрегатларини тўла қувват билан ишлатиб ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишди. Қишлоқ Советининг депутатлари Назрулла Маҳмудов, Ҳайдар Насриддиновлар бошлиқ бригадаларда экиш биринчилар қатори тугалланди.

Ёғингарчилик мўллиги ва уруғ ерга ўз вақтида қадалганлиги туфайли чигит бир текис униб чиқди. Энди бугун қишлоқ хўжалик ходимлари, жумладан, биз халқ вакилларининг ҳам кун тартибимиздаги энг асосий масала ғўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтиришдан иборатдир. Эрта-индин культивацияга киришамиз. Агрономлар ва бошқа мутахассисларнинг ҳисоботлари тингланган қишлоқ Совети яқиндаги кенгашида ғўза қатор ораларини ўтдан тозалаш, ҳашаротларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик тадбирлари белгилаб олинди. Шунингдек депутатлар таклифи асосида ёғингарчилик туфайли илдиз чириш касаллигининг олдини олиш учун махсус комиссия тузилди. З. Мўминов, М. Сиддиқов каби депутатларимиз бу комиссиянинг аъзоларидир.

Бу йил қишлоқ Советимиз территориясидаги колхозларнинг қишлоқ хўжалик оборотига аҳоли томорқасидаги ортиқча ерлардан яна 6 гектар ер қўшилди. Ҳозир 3505 гектар майдондаги ёш ғўза ниҳолларига ишлов берилмоқда. Бўлтур 34—37 центнердан ҳосил етиштирган қишлоқ Советининг депутатлари М. Исломов, Ж. Қўчқоров, 47 центнерли марраии эгаллаган ССР Олий Советининг депутати Кан О Нам ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари бу йил эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, янги қувончли кўрсаткичларни қўлга киритиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Винобарин, мўл пахта ҳосили учун кураш халқ вакилларининг ҳам шу кунлардаги энг долзарб вазифасидир.

А. СИДДИҚОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс қишлоқ Советининг секретари.



ҚАМПУЧИЯДА ҳар куни туб ўзгаришлар бўлаётганини кўриш мумкин. Мамлакат халқи тинч бунёдкорлик меҳнатига киришиб кетди. СУРАТДА: Пномпень шаҳри яқинида жойлашган шина заводи цехида.
ТАСС махсус мухбири. В. Будан фотоси.

БУГУН — МАТБУОТ КУНИ

«ГАЗЕТА КОЛЛЕКТИВ ПРОПАГАНДИСТ, КОЛЛЕКТИВ АГИТАТОРГИНА ЭМАС, АЙНИ ВАҚТДА КОЛЛЕКТИВ ТАШКИЛОТЧИ ҲАМДИР» *В. И. ЛЕНИН.*

КОММУНИЗМ ҚУРИШ ҚУРОЛИ

(Бошн 1-бетда).

Партия органлари матбуотга раҳбарлик иш усул ва методларини такомиллаштирмоқдалар, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг самарали ишлашлари учун амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Область партия комитети матбуот органларига раҳбарлик юзасидан шаҳар ва район партия комитетларининг ҳисоботларини мунтазам тинглаб бораяпти. Кейинги йилларда Коммунистик район партия комитетининг «Суръат» газетасига раҳбарлиги масаласи, социалистик мусобақани ёритишда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари бажараётган ишлар область партия комитети бюросида кўриб чиқилди. Яқинда бўлиб ўтган бюро мажлисида Томск область партия комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги юзасидан КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор асосида Олмалиқ шаҳар партия комитетининг «Алмалыкский рабочий» газетасига раҳбарлиги масаласи кўрилди.

Журналистларга область партия ташкилоти ҳаётида рўй бераётган янгиликларни маълум қилиб туриш, улар эътиборини актуал вазифа ва проблемаларга қаратиш кейинги пайтда яхши анъанага айланди. Бўлиб ўтаётган матбуот конференцияларида сўзга чиқаётган область партия комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар хўжалик ва маданий қурилишда рўй бераётган ўзгаришлардан журналистларни хабардор қилмоқдалар.

Тошкент область партия комитети ҳузурида ташкил қилинган журналист маҳорати мактаби ҳам яхши самара бераяпти. Бош йилдирки, мактаб машғулотлари мунтазам ўтиб турибди. Олимлар, ТошДУ ўқитувчилари, етук журналистлар машғулотларда лекция ва суҳбатлар билан чиқмоқдалар. Тўрт йил давомида шаҳар, район ва кўпгина газеталар ҳамда маҳаллий радиоэшиттириш редакциялари ходимлари бу мактабда ўз билим ва маҳоратларини оширдилар. Улар билан бирга шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, матбуот ишлари билан шуғулланувчи инструкторлар ҳам таълим олдилар.

Шундай мактаблар ва ишчи-қишлоқ мухбирлари университетлари кўпгина шаҳар ва районларда фаолият кўрсатаяпти. Уларда юзлаб жамоатчи мухбирлар ўқимоқдалар. Бу соҳада Чирчиқ шаҳар партия комитети кўпгина ижобий ишларни амалга оширмоқда. Шаҳардаги кечки марксизм-ленинизм университетининг журналистика факультетини ҳар йили 30—40 жамоатчи актив тамомлаб чиқаяпти.

Коммунистик районидаги «Суръат» газетаси ҳузурида ҳам ишчи қишлоқ мухбирлари мактаби самарали иш олиб бораяпти. Шуниси характерлики, редакция ходимларининг кўпчилиги биринчи сабоқни шу мактабда олишган эди. Ҳозир улар газетанинг етук ходимларидир.

Ҳозир барча участкаларда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қизғин мусобақа кетаяпти. Мусобақа давомида янги ташаббуслар туғилмоқда. Матбуот ходимлари туғилаётган янгиликларни тезда пайқаб олишлари ва оммалаштиришлари илғорлар тажрибасини миллионлар мулкига айлантиришлари керак.

Лекин айрим газеталар муҳим ташаббуслар ва ватанпарварлик ҳаракатларини ўз вақтида малакали ёритишда ҳали ҳам оперативлик кўрсатмаяптилар. Улар туғилган ташаббусни газеталарга бир бор маълум қиладилар-у, шу билан унутадилар. Бу нотўғри практикадир. Ташаббуслар самарасини мунтазам маълум қилиб бориш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, одамларни сифатли ва самарали меҳнат қилишга ўргатиш матбуотимизнинг кундалик вазифаси бўлмоғи керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ҳар бир кишида топширилган ишга учун масъулият ҳиссини ошириши зарур.

Меҳнат коллективлари мусобақаси давомида юксак ахлоқий фазилатлар шакланмоқда. Лекин мусобақанинг кишилар тарбиясига таъсир қилувчи социал аспектлари газеталаримизда малакали ёритилмаяпти. Етук журналистлар ўз қаҳрамонлари ички дунёсини ёритишда уларнинг меҳнатдаги ва ижтимоий ҳаётдаги фаолиятларини ҳар томонлама анализ қилиб, тўғри қиладилар.

Социалистик мусобақанинг олий формаси ҳисобланган меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини мунтазам ёритиб бориши зарур. Коммунистик меҳнат коллективлари ҳаёти ва иши бошқаларга намуна бўлмоғи лозим.

Газета редакциялари мусобақага партия раҳбарлигини, касаба союз, комсомол ташкилотлари фаолиятини яхшироқ ёритишлари керак. Шу ўринда матбуотдаги чиқишларнинг таъсири устида ҳам тўхталиб ўтиш даркор. Айрим ҳолларда тажҳид умумий ҳарактерда бўлади. Йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш усуллари кўрсатилмайди. Танқид принципиал, конкрет ҳамда таъсирчан бўлмоғи зарур.

Областимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ўз зиммаларига юксак ва масъулиятли социалистик мажбуриятлар олган ҳолда ишламоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқи барча совет кишилари қатори тошкентликлар учун ҳам жанговар иш программасидир. Саноатчиларимиз беш йилликнинг тўрт йиллик планини 27 ноябргача адо этишга, меҳнат унумдорлигини 2 процентга оширишга интилмоқдалар. Бу йил планга қўшимча равишда 140 миллион сўмлик саноат маҳсулотини реализация қилиш вазифаси қўйилган.

Деҳқонлар ва чорвадорлар марраси ҳам юксалди. Улар она-Ватанга 430 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этишга, пахта ҳосилдорлигини 33 центнерга етказишга бел боғлаганлар. Журналистлар оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг барча ходимлари ватандошларимизнинг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида қилаётган ҳаракатларини ёритишга, уларни янгидан-янги жасоратларга руҳлантиришга даъват этилгандирлар.



Барча меҳнаткашлар газета орқали оламдаги ва мамлакатимиз ичидаги воқеалар билан воқиф бўладилар. Партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва кўрсатмаларини ўрганадилар. Суратда: Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг 17-бригадаси аъзоси, қишлоқ Советининг депутати Мавжуда Собирова бригада аъзоларига газета ўқиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

МАТБААЧИЛАР САРДОРИ

Одамқул аканинг босмахонада қилмаган иши қолмаган. У ҳарф терган, газета босган, саҳифаларни босмага тайёрлаган... 1954 йили Тошкентдаги 2-полиграфия билим юртини тамомлаб чиққандан сўнг Самарқандга йўлланма олган эди. Малакаси ошиб, ғалаба район босмахонасига қайтди. Ишчанлиги, билими, ҳушмуомалалиги учун ҳам тезда коллектив ҳурматини қозонди.

Оддий ишчи Одамқул ака бугун шу район босмахонасининг директори. Ҳар тонг ишга барвақт келиб, цехларни бир-бир айланиб чиқади. Унинг одати шунақа. Терилаётган гранкаларни кўздан кечиради, босилаётган газеталарни ўқиб кўради.

У ўзига ҳам, ишчиларга ҳам талабчан. Бунинг боиси бор. Босмахона катта даргоҳ. Ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ошиб боряпти. 1966 йилда бу ерда 21 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 80 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда. Цехларда ғалаба район «Ленин йўли» ва «Оқ кўрғон район «Мўл ҳосил учун» газеталари босиляпти. Яна қанчадан-қанча бланклар, турли хил буюртмалар ҳам шу корхонада босиб чиқариляпти. Директор ҳар бир босма маҳсулотнинг сифати учун курашади. Одамларни синчковлик билан эримай иш тутишга, босмахона жиҳозларидан ўз ўрнида фойдаланишга ўргатади.

«Ленин йўли» газетаси 2 йилдирки, техник безаш ва полиграфик ижро бўйича республика район газеталари ўртасида ўтказилаётган конкурсда ғолибликни қўлдан бермай келяпти. «Мўл ҳосил учун» газетасини ҳам техник жиҳатдан безашда ўзгаришлар бўлди. Газетани қўлга олишимиз билан йирик ҳарфли сарлавҳалар кўзга яққол ташланиб туради. Линейкалар материалларни яна ҳам бўрттириб кўрсатади.

Илғори босмахона пастакина, ноқулай бир бинога жойлашган эди. Одамқул ака-нинг ташкилотчилиги билан янги бино қурилишига қўл урилди. Қурувчиларга матбаачиларнинг ўзлари ёрдам беришди. Биргалашиб янги корпусни қисқа вақт ичида қуриб битказишди. Бугунги кунда икки районга хизмат қилаётган босмахонанинг 7 цехи замонавий, тезкор ускуналар билан жиҳозланган, дераза-лар олдига тувакларда гуллар қўйилган. Теварак атроф ёз тушса ялагудек тоза. Ишчиларнинг ўзлари ҳашар йўли билан теварак атрофни ободонлаштиришди, гулзорлар, боғ-роғлар яратишди.

Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун бу ерда ҳамма шароит бор. Зулфия Ҳасанова, Малика Бобокелдиева, Михаил Зазулин каби моҳир ишчилар коллектив эришаётган ютуқлар кўламини ой сайин кенгайтирмоқдалар. Уларнинг ҳаммалари ўз устозлари, босмахона директори Одамқул Дўстмуродовдан ҳурсанд. Солдатское посёлка Советининг депутати Одамқул ака ишчиларга кўп яхшилик қилган. Иш шароитини яхшилашда ҳам, турмуш маданиятини оширишда ҳам, кўпайлик тутдиришда ҳам Одамқул аканинг ҳиссаси бор. Бугунги айёмда барча матбаачилар моҳир ташкилотчи Одамқул Дўстмуродовни байрам билан муборакбод этмоқдалар, унга сиҳат саломатлик ва ишда янги муваффақиятлар тиламоқдалар.

С. МУСТАФОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҲАЁТ НАФАСИ

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари КПСС XXV съездн, КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь [1978 йил] Пленумлари қарорларини изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқдалар. Унинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида олдимизда катта вазифалар турибди. Бу йил давлатга 70 минг тонна пахта, 200 тонна пилла, 1800 тонна гўшт, 10 минг тонна сут, 3400 минг дона тухум етиштиришга аҳд қилганмиз.

Ваъдасига вафодор пахтакорларимиз ўтган йили давлатга қарийб 65 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Район тарихида бундай марраga биринчи марта эришилди. Унинчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли адо этилишида, ташаббускорлар ва илғорлар иш тажрибаларини кенг пропаганда қилишда район кўзгуси «Коммунист» газетасининг муносиб ҳиссаси бор. Газета саҳифаларида беш йиллик зарбдорлари ва ташаббускорларига минбар очганмиз. Вақти-вақти билан саҳифалар уюштирилаяпти. Ўтган йили пахтачиликка бағишланган 12 та, чорвачилик бўйича 15 та, шоличиликка аталган 5 та, пиллачилик бўйича 20 га яқин ташаббуслар туғилди. Уларга бағишланган материаллар, саҳифалар берилди. Шунингдек, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа соҳаларида беш йиллик планни уч-тўрт йилда бажариш ҳақидаги ташаббуслар ҳам газета саҳифаларида ўз аксини топмоқда.

Шулар билан бир қаторда «Илғор тажрибалар саҳифаси», «Мусобақа — миллионлар жиддн», «Чорвадорлар саҳифаси», «Сўз — тажрибакорларга», «Ташаббусга кенг қанот» каби саҳифалар, «Сўз — мусобақа ғолибларига», «Беш йиллик зарбдорлари минбари», «Халққа хизмат — олий ҳиммат», «Мактаб ва ҳаёт» каби рубрикалар остида мунтазам материаллар бериб борилаяпти.

Районимизда 50—60 центнерчилар ҳаракати кенг қулоч ёйган. Бу ҳақда ҳам саҳифалар уюштирилмоқда.

Районда чорвачилик етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Партиямиз XXV съездн, КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь [1978 йил] Пленумлари қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларидаги қоида ва хулосаларни бажара бориб, районимиз чорвадорлари сут, гўшт, тухум етиштириш борасида катта иш қилмоқдалар. Илғор тажрибаларни пропаганда қилишда редакция ижодий ходимлари кенг газетхонлар оммаси ҳамда ишчи-қишлоқ мухбирларига таяниб иш кўрмоқда.

Ф. ҲОЛИҚУЛОВ,
Бекобод район «Коммунист» газетасининг редактори.

ИШЧИЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Геннадий Иванович газета билан ҳамкорлик қилаётганига ҳозир 20 йилдан ошиб қолган. Шу йиллар давомида «Социалистический Чирчик» газетаси саҳифаларида унинг қанчадан-қанча лавҳа ва хабарлари, репортаж ва очерклари босилмади, дейсиз. Бу гал ҳам у қуруқ келмади. 8-цех темирчиси Қодирбой Бойтемаев ҳақида ўқимишли лавҳа ёзиб келган эди.

— Қодирбой комбинатимизнинг пешқадам ишчиси, — деди у редакция саноат бўлими мудири Мая Ефимовна Эйдельсонга.— 1962 йилдан бери биласан уни. Ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти.

Бўлим мудири лавҳани синчиклаб ўқиб чиқди.

— Эрта-индин чиқиб қолади, — деди у.— Беш йилликни барвақт якунлаган ишчилар ҳақида яна шундай лавҳалар ёзиб туринг.

Геннадий Иванович Морозов Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг ветеран ишчиси.

Комбинат ҳаётида рўй бераётган янгиликлар Геннадий Ивановични эътибордан четда қолмайди. Айни пайтда у мухбирлар пости аъзоларини ҳам кўпроқ ижодга даъват этади. Созловчи Вячеслав Кудрявцев, диспетчер Ольга Перовская, дурадгор Михаил Рубцов каби ишчи-мухбирлар ёзган мақолалар комбинатнинг кўп нусха «Металлург» газетасида эълон қилиняпти. Улар учун мухбирлик иккинчи касб бўлиб қолган. Бу касбни ҳамиша ардоқлаб келишяпти.

Д. НАСРИДДИНОВ,
Чирчиқ шаҳри.

7 МАЙ — РАДИО КУНИ

ҚОҒОЗСИЗ ВА МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА

Инсоният тафаккурининг етук босқичи сифатида тан-илган радионинг кашф этилиши бизнинг мамлакатимизга мансуб экан, уни ҳаққоний равишда радио ватани деб бемалол айта оламиз. Дарвоқе, 1895 йилнинг 7 майи жаҳон фан ва техникаси тарихига абадул-абад олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Бундан 84 йил муқаддам ажойиб рус олими Александр Степанович Попов дунёда биринчи марта радио эшиттиришларини бошлаб берди.

В. И. Ленин башорат қилиб, радионинг порлоқ истиқболига юксак баҳо берган эди. У радиони халқ оммаси билан бевосита алоқа қилишнинг ва бинобарин, уларни сиёсий-ғоявий тарбиялашда кучли ҳамда ноёб қуроли эканлигини айтди. Радиони ривожлантириш тўғрисидаги ленинча кўрсатмалар эндиликда ўзининг тўла ифодасини топди.

Партия ва ҳукуматнинг доимо ғамхўрлиги натижасида Совет радиоси ўтган 60 йилдан кўпроқ вақт мобайнида катта одим ташлади. Унинг моддий-техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Октябрь Ватанининг радио овози бугунги кунда бутқул планетамиз бўйлаб барала янграмоқда. Совет радиоси жаҳон халқларига социализм дунёси тўғрисидаги ҳақиқатни, пролетар интернационализми, ҳамма қитъа меҳнаткашларининг дўстона ҳамкорлиги ғояларини тарғиб қилиб келмоқда.

Бугун биз улуғ йўлбошчимиз В. И. Ленининг оташин сўзларини яна бир бор такрорлаймиз: Радио — «бу қоғозсиз ва масофасиз газета», «Миллионлар митинги...». Ана шу қоғозсиз ва масофасиз газета Урта Осиёда биринчи марта Тошкентда «нашр» қилинди. Тошкент аҳолиси 1927 йилнинг 11 февралида радиоэшиттиришларни тинглади. «Диққат, Тошкентдан гапиramиз!» деган ифодали ибора ана шу кундан бошлаб эфир бўйлаб тарқалди. Уша кезлари Тошкент радиосининг овози унча узоқ бўлмаган масофага, чамаси 27 километрга етиб борди, холос.

Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон радиоси ўзининг ташкил топганлигининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика радиоси коллективига йўллаган табрикномасида шундай дейилади: «Ўзбекистон радиоси коллективининг ярим аср мобайнида босиб ўтган йўли республика партия ташкилотининг фаолияти билан, унинг улуғ В. И. Ленин васиятларини амалга оширишга йўлида олиб борган кураши билан чамбарчас боғлангандир. Оммавий информациянинг энг оператив ва таъсирчан воситаси, «қоғозсиз ва масофасиз газета», бўлмиш радио, республика тараққиётининг ҳамма босқичларида марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилишда, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда, янги кишини — коммунизм бинокорини тарбиялаб етиштиришда Ўзбекистон Компартиясининг ишончли ёрдамчиси бўлиб келди».

Бинобарин, телевидение ва радио журналистлари КПСС XXV съезди қарорларини, мамлакатимиз, республикамиз ва қолаверса областимиз меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуслари ва иштиёқларини ҳар тарафлама ёритиб бориш устида ҳамиша ижодий изланишларда бўлмоқдалар. Эшиттиришлар мавзусини асосан саноат корхоналари коллективлари, колхоз ва совхозлар, қурилиш ташкилотлари, илмий ва маданий муассасалар, студент ва ўқувчи-ёшларнинг кундалик ишлари ташкил этади. Умуман, совет воқелигининг энг гўзал ҳаётий манзараси радио тўлқинларида ҳамда «Экран» программаларида кенг кўламда тарғиб қилинаётир.

Республикамизнинг пойтахт области ва Тошкент шаҳри Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида олти йилдан буён пешқадамлар сафида келмоқда. Область партия комитети саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш ташкилотларида жонбозлик кўрсатиб келаётган ташаббускор саноат ва қурилиш ходимлари, пахтакор ва чорвадорлар, сабзавоткор ва боғбонларнинг ватанпарварлик ташаббусларини мақуллаб, бундан илғор иш тажрибаларини кенг ёйиш юзасидан қарорлар қабул қилди. Ажойиб пахта устаси Т. Охунова, С. Гулаҳмедова, А. Рўзиметова, Б. Отахонов, Кан О Нам, Анатолий Кан, моҳир сут соғувчилар А. Чуднва, М. Исоқова, миришкор ғаллакорлар М. Аҳроров, М. Эргашев, Т. Шоғиёсова ва бошқалар беш йиллиқнинг тўртинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этишга азму қарор қилдилар. Уларнинг ажойиб ҳаракатини ёйишда радио ходимлари олдида катта вазифалар турибди.

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг кекса пахтакори Б. Отахонов яқинда микрофон орқали сўзлади. У ўз суҳбатида пенсияда бўлишига қарамай, қалб амри билан яна пахтакорлар сафига қайтиб келганлигини, бу йил ўзи бошчилик қилаётган бригаданинг 92 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етказишга аҳд қилганлигини ҳикоя қилиб берди.

КПСС Марказий Комитетн ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозир совет кишиси сиёсий жиҳатдан ҳар қачонгидан ҳам саводли ва актнвдир. У оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳақли равишда юксак талаблар қўймоқда. Иш сифатини, самарадорлигини ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш — мафкуравий жабҳа ходимларининг жанговар бурчидир.

Область радиосининг ходимлари бундан буён ҳам ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сифат ва самарадорлик беш йиллиги вазифаларини кенг тарғиб қилишга ва янада яхшироқ ёритишга сарф этадилар.

Х. УМАРОВ,
область радиоэшиттиришлар Бош редакциясининг бош редактори.

«ЁШЛИК» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ — XX аср мўъжизаси, аср тараққиётининг, инсон фантастик тафаккурининг реал маҳсули, чексиз асрлар тахидаги аждодларининг эзгу орзулари-ю, элатларнинг тўқиган қўшиғу-ривоятларига яширинган ҳақиқатдир. «Зангори экран» одамлар қалб эшигини калитсиз очиб кирди. У давримизнинг кўзгуси, коммунизм жарчисига айланди.

Давр ёшларини коммунистик руҳда тарбиялашда, дунёдаги бўлаётган воқеаларни, фан ва маданият ютуқларини тарғиб қилиш ва кузатишда телевидениенинг ҳизматлари бениҳоядир. Маълумки, телевидение жуда ҳам маъсулиятн ва шарафли вазифани зиммасига олган. Чуноичи, шахсни ҳар тарафлама гармоник ривожлантириш, коммунизмнинг онгли аъзосини камол топтириш вазифаси туради. Бу — марксча-ленинча гуманизмни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.


Бу борада республика телевидениеси «Ёшлик» студияси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Студиянинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Романтика» телевизион театри, телевизион миниатюралар театри, «Ватанпарвар», «Интернационал дўстлик клуби», «Комсомол зарбдор қурилишларида», «Касбим—фахрим», «Биз ишчи бўламиз», «Сенинг замондошинг», «Студентлик — олтин даврим» каби туркум кўрсатувлари фақат республикамиз ёшлари ўртасидагина эмас, қардош томошабинларнинг ҳам севимли кўрсатувларига айланиб қолган. Республикамиздан ва қардош республикалардан келаётган минг-минглаб хат-хабарлар, илтимосномалар, таклиф ва мулоҳазалар бунинг исботидир.

Шуниси қувончлики, фақат ёшларгина эмас балки кенг жамоатчилик аудиторияси ҳам мардлик ва эзгулик, жўшқинлик ва фидойилик ишқи билан ёниб, меҳнатда пўлатдай тобланаётган замондошларимизнинг орзу-ўйларини, фикр-тилакларини, бахту-иқболларини, қўйинг-чи, бутун ҳаёт зарраларини «Ёшлик» студияси орқали қизғин кузатиб боради.

Ҳўш, бизларга жонли, ибратли, салмоқли кўрсатувларни тайёрлаб бераётган асосий жонкуярлар кимлар? Булар «Ёшлик» студиясининг бош редактори — республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Элбек Мусаев раҳбарлигидаги Жамолиддин Асомиддинов, Эргаш Раимов, Ҳайтмат Абдурасулов, Рўзмат Мадатов, Нуриддин Очилов, Барно Соатова, Эргаш Каримов, Эргаш Султонов, Ҳасан Йўлдошев, Мироббос Мирзаахмедов, Тамара Маҳкамова, Ғайрат Раҳматов, Баҳодир Исмоилов каби бир қатор редактор, режиссёр, ассистентлардирки, уларнинг фидокорлиги, тиниб-тинчимаслиги, кўрсатувларга ўта талабчанлиги туфайли студия республикамиздагина эмас, балки қардош республикаларда ҳам ўз томошабинини, ўз қимматини топиб олмоқда.

Бу аҳил коллектив ҳамиша ижодий изланишда. Улар ҳилма-хил жанрларда, ранг-баранг мавзуларда жамоатчилик кенг аудиторияснни ўзига ром этадиган қатор ибратли кўрсатувлар тайёрлаш, меҳр-муҳаббати билан меҳнат қилмоқдалар.

Сойибжон РАҲМОНОВ,
«Ёшлик» студиясининг редактори.



Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси ходимлари радио кунини муносиб кутиб олмоқдалар. Телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришларнинг янада сифатли бўлишини таъминлашда инженер-техник ходимларнинг катта ҳиссаларн бор. Суратларда [юқоридан] Республика радио уйи марказий аппаратлар студиясининг инженери Юсуф Маҳмуджонов билан Мирза Камоловлар иш устида; Магнит ёзувлар оператори Гули Олимжонова «Пионер эрталнги» эшиттиришига тайёргарлик кўрмоқда; Ўзбекистон телевидениеси марказий аппаратлар студиясининг смена инженери З. Муслимов кўрсатувларни кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ШОИРГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Қибрай маданият уйида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани район партия комитетининг секретари Д. Шарипова очиб, Ҳ. Ҳ Нигзийнинг 90 йиллик юбилейига районда катта тайёргарлик кўрилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ингилишга ташриф буюрган филология фанлари кандидати Музайяна Алавия, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг доценти Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Марҳамат Аминова шоирлар Сайёр, Азиз Абдураззоқ ва бошқалар революция куйчисининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида гапирдилар ҳамда Ҳамзага бағишланган янги шеърларидан ўқидилар.

Кеча охирида маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлик коллективининг аъзолари шоирнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқларини ижро этдилар.

И. ПИРМАТОВ.

ҲУСНГА-ҲУСН ҚЎШИБ

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига якун ясалмоқда. Баҳорнинг кейинги икки ойи ҳар жиҳатдан баракали бўлди.

ЯНГИ микрорайонларда ва бошқа аҳоли гавжум жойларда жами 43,8 гектарлик 78 та ҳиёбон барпо қилинди. Қўйлиқ, Қорасув, Юнусобод массивларида, Академия шаҳарчасида барпо этилган янги боғлар кўмкўк барг ёзди.

Бундан ташқари ирригация тармоқларини тартибга келтириш соҳасида ҳам ишлар қилинди. Юз минг квадрат метрлик сув тармоқлари тозаланди. 60 минг квадрат метр йўл ва тротуар ремонтдан чиқарилди.

Ҳозирги кунда Бешқайрағоч ва Кўкча магистрал каналларини реконструкция қилиш, насос станцияларини капитал ремонтдан чиқариш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Бу тадбир шаҳардаги барча ҳиёбон ва боғларни ўз вақтида оби-ҳаётга қондириш имкониятини беради.

М. ЗАРИПОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СУНЪИЙ ТОШЛАР

● РУСТАВИ металлургия заводининг чиқиндиси ҳисобланган шлакдан қурилиш учун ишлатилувчи сунъий тошлар яратилди. Бу ишни Грузиядаги қурилиш илмий-техника бирлашмаси амалга оширди. Исталган кўриниш бериш мумкинлиги сабабли сунъий тошдан бинолар ташқи томонларини безашда, интерьер, пол ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги амалда исботланди. Ҳозир бирлашманинг тажриба заводида сунъий тошни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ДЕЗУС

● ТУЛА областидаги Новомосковск химия комбинатида ишлаб чиқарила бошлаган «Дезус» номли порошок ванна, раковина, идиш-товоқлар, полимер буюмлар ва бошқаларни тозалабгина қолмай, уларни дизенфекциялаш хусусиятига ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам «Дезус» порошоги «Сифат белгиси»га эга бўлди.

ПЛАЗМА БУЯНДИ

ВЕНГРИЯДАГИ электроэнергия институти ходимлари плазма ёрдамида бетон уйларни бўяш методини таклиф қилишди. Бетон юзаси аввал керакли металл оксиди билан қопланади ва плазма таъсирига берилади.

«Социалистическая индустрия газетасидан.

Қ. Аҳмеров таржимаси.



ЛЕНИНГРАД. Нева бўйидаги шаҳарда В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жойлар жуда кўп. Шундайлардан бири собиқ Широкая кўчасида жойлашган. Доҳий шу ердаги 48-уйда 1917 йил 4 апрелидан 5 июлигача яшаб турган. Шу вақт ичида у 150дан ортиқ мақола, брошюра ва бошқа ҳужжатлар ёзган. Ҳозирда Широкая кўчаси Ленин номи билан аталади. У яшаган уйда хотира тахтаси ўрнатилган, у яшаган хона музейга айлантирилган.

СУРАТДА: Ленин кўчасидаги хиёбонда доҳий бюсти.

М. Блохин фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МОСКВА. Мамлакатимиз пойтахтидаги Революция майдонида В. И. Ленин Марказий музейи жойлашган. Ҳар йили музейни 1,5 миллионга яқин киши келиб кўрмоқда. Музейнинг жуда кўп залларида томошабинлар тарихий-партиявий ҳужжатлар, Ленин қўлёзмалари ва асарларининг жаҳон тилларидаги нашрларининг фото нусхалари, КПСС съездларининг энг муҳим қарорлари билан танишадилар. Доҳий шахсий буюмлари ҳам шу ерда жамланган. Ҳар йили музей янги экспонатлар билан бойиб бормоқда. СУРАТДА: италиялик экскурсиячилар В. И. Ленин музейида.

В. Мастюков фотоси.



ЯНГИ МЕДИЦИНА ПРЕПАРАТЛАРИ

◆ ДИМЕКСИД. Радикулит, неврит, невралгия, плексит ва нейромиозит каби касалликларни даволашда димексид муҳим аҳамият касб этади. Львов медицина институти клиникаларида ўтказилган кузатувлар янги препаратнинг ана шу ҳоссаларини аниқлашга ёрдам берди. Ундан йирингланган яраларни даволашда, хроник астеомиелит, гейморит, плеврит, куйган жойларни тез битиришда, склерома, йирингли перитонит, стоматит, экзема каби ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин. Димексид Львовдаги химия-фармацевтика заводида ишлаб чиқарилмоқда.

◆ НИГЕКСИН. Таркиби мураккаб бўлиб, асосан гексилтеобромин билан никотин кислотасининг мужассамлашувидан ҳосил қилинади. У миокардга стимулловчи сифатида таъсир қилади, томирларни кенгайтиради, бронхлар мушакларини юмшатади, марказий нерв системаси ишини яхшилайди. Шунингдек, препарат углевод алмашинувини тезлаштиради, қондаги холестерин миқдорини камайтиради. Бош мия қон томирлари зарарланган атеросклерозли беморларни нигексин билан даволаш яхши самара беради. Янги дори таблеткалар сифатида ишлаб чиқарилади.

◆ БЕТАДИН. Поливинилпириллидон билан йоднинг қўшилувидан олинган препарат бўлиб, ундан куйган жойларни даволашда фойдаланилади. Сурков мойини эслатувчи бу препарат терига суртилганда оқиқа парда ҳосил қилади, яранинг тез битишига ёрдам беради. Ўтказилган синовлар бетадиннинг яхши самара беришини кўрсатди. Препаратни Варшавадаги тематология институти илмий ходимлари яратган.

Реклама ва эълонлар

Узбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича универсал-токарь ва универсал-фрезерчи, учиш аппаратларини йиғувчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, дурадгор, тунукасоз, слесарь, асбобсоз-слесарь, газ-пайвандчи, слесарь-сантехник.

Ўқиш муддати — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАЙДИГАН 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой бериладм.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ва эгаллаган ихтисоси тўғрисида диплом бериладм.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдаги мавжуд имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ҳунар-техника билим юртида спорт майдончалари, тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараги мавжуд.

Билим юртининг соғломлаштириш-спорт лагери Чимён яқинида жойлашган.

Ўқиш даврида ўқувчилар бепул уч маҳал овқат, кийим-бош билан, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, маълумотя тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. катталикда 8 дона ва 3х4 см. катталикда 6 дона фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (29-трамвай, 20, 30-автобусларнинг «Валиҳонов» кўчаси бекати).

93-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТНИНГ
«ЭНЕРГОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Технологик ускуналар ва қозон қурилмаларини монтаж қилиш бўйича монтажчиларни тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАНЛАР, ШУНИНГДЕК, ИХТИСОСГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида тингловчиларга ҳар ойда 75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Курсларни битирган монтажчилар Тошкент шаҳри ва областидаги объектларда ишлайдилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 59 «а»-уй (103-автобуснинг «Ипподром» бекати). Телефон 76-66-81.

ХХІ АСР: ДУНЁ АҲОЛИСИ КЎПАЯДИМИ, ЁҚ?..

Ривожланган мамлакатларда илгари туғилишнинг мисли кўрилмаган даражада камайиб кетиши ҳукуматларни ташвишга солиб қўйди. Чўнки, бу жараён шу тариқа давом этадиган бўлса аҳолининг қайта кўпайиши кескин камайиб кетарди ва «жамиятнинг кексаланиши» (ёшлар сонининг камайиши) вужудга келарди. БМТнинг аҳолининг кўпайиши бўйича комиссияси яқинда ўтказган мажлисда жаҳон статистикасининг энг янги маълумотлари ҳақидаги докладни муҳокама қилишда шу ҳақда гапирилди.

Кўринишидан бир вақтлар шубҳасиз ҳам ҳаддан ташқари қадимги прогноз амалга ошиб ётгандек туюларди: дунё аҳолининг камайиб кетишини, ҳодимларнинг етишмаслигини кутаётганлигини ва бу катта проблема бўлиб қолиши мумкинлигини аниқ кўрсатарди. Машҳур совет прогнозчиларидан бири Игорь Бестужев — Лада ўзининг «Истиқбол контурлари» китобида (Москва, 1965 йил) шундай ёзган эди. Бу «Инсоният олдида турадиган ҳақиқий ягона ва муҳим проблема — аҳолининг ортиқлиги» деб тасдиқловчи Ғарбдаги нуфузли кишиларга қарши сода чиқиш бўлиб кўринишга мумкин эди.

Бугун нимани кўриб турибмиз?

Сўнгги 15 йилдаги демографик вазиятнинг секин, лекин аниқ ўзгара бориши уч ҳақдаги фикрга аниқлик киритишни тақозо этади, дейилади Бирлашган миллатлар Ташкилоти комиссиясининг юқорида келтирилган докладида. Яқин ўтмишда ХХ асрда кескин тезлашган аҳоли ўсиши яқин йиллар ичида янада жадаллашади деб ҳисоблашар эди. Эндиликда эса тамомила бошқача фикр айтилмоқда. Аҳоли кўпайишининг максимум суръатлари орқада қолиб кетди, келажакда эса янада камаяди дейилмоқда. Туғилишнинг сезиларли даражада камайиши шундай фикрни келтириб чиқармоқда. Бу камайиш ривожланган мамлакатларда 50-йилларда, ривожланаётган мамлакатларда 60-йилларда тезлашди.

Бу тенденция қатъий ва умумбашарий бўлиб, у Ғарб ва Шарқдаги барча мамлакатларга хос хусусиятдир. Ҳатто аҳолиси жуда кўп ҳисобланган Хитой (аҳолиси 950 миллион) ёки Ҳиндистон (аҳолиси 630 миллион) ҳам бундан мустасно эмас. Шундай қилиб «демографик бомба» ҳақидаги ўринсиз сафсаталарнинг нотўғрилиги тобора яққол кўзга ташланмоқда.

Яқин-яқинларгача агар туғилиш эришилган максимум даражасида тўхтаб қолганда ҳам (ўртача умр кўриш 75 ёшга етса) 2070 йилга келиб Ҳиндистон аҳолиси 25 миллиард кишидан ортиқроқ, Хитой аҳолиси эса 21 миллиард киши атрофида, Бангладеш аҳолиси деярли 4 миллиард киши, Бразилия аҳолиси эса 3,5 миллиард кишидан ортиқроққа етади деб ҳисоблашишарди. Лекин, совет ва чет эллик етук прогнозчилар бу вазиятга ҳисобларни нотўғрилигини исбот қилмоқдалар. Аниқ ҳисобларга кўра 2050 йилга келиб аҳоли сони Хитойда 1250 миллион, Ҳиндистонда 1002 миллион, Бразилияда 192 миллион, Бангладешда 155 миллион, Нигерияда 135 миллион, СССРда 335 миллион кишига етиши мумкин. Сўнгра нима бўлади?

Профессор Борис Урланиснинг ҳисобларига қараганда худди шу ХХІ асрнинг ўрталарида бошлаб ер юзидаги аҳоли сони амалда кўпаймай қолади ва жуда нари борганда 12 миллиард кишидан ошмайди. БМТ экспертлари илгари бошқа рақамларни келтиришарди. Уларнинг таъкидлашича 2050 йилга бориб аҳоли сони 7,5 миллиард кишига етади ва ундан кейин 2051 йилгача 35 миллиард кишига боради. Ундан кейин ҳам худди шу тарзда кўпаяверади. Лекин, улар кейинчалик бу рақамларни камайтиришди. Ҳозирги вақтда кўпчилик совет ва чет эл олимлари деярли бир хил фикрни айтишмоқда. Уларнинг фикрича ХХІ аср охирига бориб аҳоли сони 12—15 миллиард кишидан ошмайди.

Вазоланки, ер ресурслари ва ҳосилдорлик резервлари Япония озиқ-овқат стандартлари бўйича 157 миллиард ҳўрандани, истеъмолнинг максимал даражаси бўйича 47 миллиард ҳўрандани тўйғизиш имкониятини беради, деб ёзди кўзга кўринган инглиз иқтисодчиси Колин Кларк, профессор Константин Малин (СССР) ва бошқа олимларнинг ишларига асосланиб.

Лекин, доимий тўйиб овқатланмаслик деярли миллиард кишининг қисмати бўлиб турган ҳозирги вақтда ҳар йили миллионлаб одамлар ўлиб кет моқда. Ҳосил кам бўлган йилларда эса бу рақам ҳар йили

(БМТ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ СЎНГГИ ПРОГНОЗЛАРИ ВА ТАНИҚЛИ СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИ НИМА ДЕЙДИ)

32 миллион кишигача етмоқда. Ишлаб чиқариш кучлари яхши ривожланмаган ёш давлатларда аграр аҳолининг ортиқлиги жуда улкандир. Женевадаги халқаро меҳнат бюросининг ташвишли сигналини ҳам, прогнозини ҳам эътиборга олмаслик нинг иложи йўқ. Унинг ҳисобича ХХ асрнинг охирига бориб аҳолини иш билан тўла таъминлаш учун жаҳонда камн билан миллиард янги ишчи ўрни ташкил этиш лозим бўлади. Шундай қилинмаса, ҳозирги вақтда «ортиқча одамлар» сони 300 миллиондан ошиқ экан, 2000 йилга бориб 3 баробар кўпаяди. Лекин, ер юзида деярли 800 миллион саводсиз аҳоли бор. Улардан қандай кадрлар тайёрлаш мумкин?

Лекин, шунга қарамай тушкунликка берилиш ўринсиздир. Мамлакатимизнинг яқин ўтмишдаги тарихидан олинган мисолга эътиборни қаратайлик. Россия империясида саводсизлар проценти чет эл Осиёси ёки Лотин Америкасининг ҳозирги вақтидагига нисбатан анча кўп эди, деярли Африка (саводсизлар аҳолининг 74 процентини ташкил этади) билан баббаровар эди. Октябрь Социалистик революцияси туфайли туғилган Советлар мамлакатига ана шундай мерос қолди. Икки уруш — биринчи жаҳон урушн, сўнгра гражданлар урушидан кейин вужудга келган вайроначилик бу аҳволни янада мушкуллаштирди. Бунинг устига ташқи иқтисодий блокада давом этарди. Лекин, мамлакатимиз ана шундай қийинчиликларга қарамай, бу қолоқликни бир авлод ҳаётидан ҳам камроқ вақт ичида бартараф этди. СССР 30-йиллардаёқ иккинчи саноат гиганти бўлиб қолди. Ўша вақтдаёқ бизнинг мамлакатимизда умумий бошланғич таълим (яқинда эса умумий ўрта таълим) жорий қилинди. Ишсизлик 1930 йилдаёқ (13 йил ичида) тўла барҳам еди. Мамлакатни индустриаллаштириш, деҳқончиликни кооперациялаш, маданий революция бунга ёрдам берди.

Албатта ҳозирги вақтда ҳам проблемалар кам эмас. Уларнинг бири меҳнат ресурсларининг етишмаётганлигидадир. Бу проблемани ҳал қилишнинг йўли ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришдан иборат. Лекин, «тинкани қуритадиган системалар» социализм учун ётдир. Ҳамма ва ҳар бир киши манфаатлари йўлида ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш, механизациялаш, автоматлаштириш йўли билан ишчи кучи тежалади.

Вақти келиб, меҳнат самараси ҳозиргига нисбатан 20—30 баробар ортади. Ишчи кучига эҳтиёж кескин камаяди. Лекин, ақлий меҳнатга бўлган талаб камаймайди. Турли хил профилдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёж сақланиб қолади. Келажакда юксак малакали ишчилар, техниклар, инженерлар, олимлар ортиқча бўлиш ўрнига етишмай қолиши кутилади.

Робот меҳнат билан капитал ўртасида антогонизм йўқотилган жамиятда инсоннинг душмани бўла олмайди. Бизнинг мамлакатимизда маъмурият ходимларини «ортиқча» бўшатишдан олдин уларни меҳнат билан таъминлаш ҳақида қайғуради. Масалан, маъмурият касбнинг ўзгариши муносабати билан ишчиларни қайта тайёрлашни таъминлашга мажбур — қонун шуни талаб қилади. Машиналар ишчи кучи етишмаслигини бартараф этса ҳам «ортиқча» ишчи кучлари бўлмайди.

Чунки, иш кунини қисқартириш имконияти ҳам бор, (бундай вақтда маошни ва персонални илгаригги даражада сақлаб қолиш мумкин бўлади).

Биринчи социализм мамлакати томонидан очилган йўлни эндиликда кўпгина жаҳон халқлари танлаб олишди. Бу йўл ишончли, кризисларсиз ривожланиш йўлидир. Проблемалар чи? Улар бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Илгари ҳал қилинганлари ҳозирги проблемалардан осонроқмиди? Ҳар қанча мураккаб бўлиб кўринган янги вазифалар ҳам инсоният томонидан ҳал қилиниши мумкин. Халқаро ҳамкорлик, тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини камайтириш бу вазифаларни бартараф этишга ёрдам беради. Ҳозирги вақтга ҳар йили 400 миллиард долларлардан ортиқ маблағ қуролланиш учун сарфланмоқда. Вазоланки, ана шу маблағнинг 125 миллиард долларн эвазига кескин эҳтиёж сезаётган мамлакатларни 10 йил давомида озиқ-овқат, медицина хизмати ва бошқа шу кабилар билан таъминлаш мумкин. Агар ҳозирги вақтда қурол яратиш билан шуғулланаётган ўнларча миллион мутахассислар ўз изланишларини тинч меҳнатга қаратсаларчи? Шундай қилинса турли хил проблемалар — демографик проблемалардан тортиб, то иқтисодий ва экологик проблемаларни ҳал қилиш тезлашган бўлар эди.

Лев БОБРОВ,
АПН шарҳловчиси.

Телевидение

5 май, шанба

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-концерт. 10.30 —Буратино юргазмаси. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Советлар ва ҳаёт. 12.00 — Дунё воқеалари. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Бугун — матбуот куни. 13.15 — Фильм-концерт. 13.30 — Ёшлар поэзияси. 14.15 — Здоровье. 15.00 — Ҳайвонот оламида. 16.00 — Хоккей бўйича СССР кубоги. Ярим финал. 18.15 — Фан оламида. 18.45 — Кенг Днёпр узра. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Кино-эпопея. 1-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — ЧССР терма. командалари. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўзбекистон ССРда ҳизмат кўрсатган артист Ш. Султонов қуйлайди. 10.50 — Нафосат оламида. 11.30 — Ўзбекистон спортга. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 12.50 — Дерсу Узала. Бадиий фильм. 1-серия. 14.00 — Ота-оналар учун консультация. 18.20 — Концерт. 18.55 — Болалар учун фильм. 19.05 — Байроқларга намарбаста саҳнафалар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Музикали фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Матбуот ходимлари учун концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Пиллакорларнинг муҳим вазифалари. 22.25 — Дерсу Узала. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.15 — Душанба кўрсатувлари.

6 май, якшанба

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Зарядка сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Оловиддинниг сеҳрли чироғи. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Фильм-спектакль. 16.20 — Қирғиз аёли ҳақида сўз. 16.55 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.55 — Балетнинг навқирон артистлари. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильмлар. 19.55 — Музикали программа. 20.40 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 21.30 — Вақт. 22.05 — Концерт. 23.30 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кинопублицист экрани. 11.00 — Шахмат-мактаби. 11.30 — Қуёшли ўлка маршрутлари. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.15 — Дерсу Узала. Бадиий фильм. 2-серия. 14.25 — Музикали кўрсатув. 15.25 — Реклама. 18.10 — Бойчечак. 18.40 — Тошкент кўғирчоқ театрининг спектакли. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ипак пахтага алоҳида эътибор берайлик. 22.20 — Антёрлар ва роллар.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/V да **Пётр I**, 6/V да **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Томоша давом этади**, 6/V да **Келинлар кўзғолони** (кундузи), **Қиёмат қарз** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/V да **Она қизим**, 6/V да **Паранжи сирлари**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЎШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Отилмаган ўқ** (19.00), 6/V да **Биринчи бўса** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа: **КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ** (5/V да 16.00, 19.30 да, 6/V да 12.00, 16.00, 19.30 да).

Спорт

ДУРАНГ КИМНИНГ ФОИДАСИГА?

Футбол бўйича Европа чемпионати олтинчи группасида саралаш учрашувлари давом этмоқда. Венгрия, ва Греция футболчилари ўртасидаги ўйин натижасиз дуранг бўлиб тугади. Бутун матч давомида Венгрия футболчилари тўла устунлик қилишса-да, рақиб дарвозасини бирон марта ҳам ишғол қилолмадилар. Ўйин 0:0 ҳисобида тугади. Бу натижадан совет футбол мухлислари мамнунлар. Негаки группада ғолибликка даъвогар бўлган икки команда футболчилари очко йўқотишди.

VI группа қатнашчиларининг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У	Т	О
Греция	5	12—7	5
Финляндия	3	6—9	4
Венгрия	4	4—6	3
СССР	2	2—2	2

Совет футболчилари навбатдаги учрашувни 19 майда Тбилиси шаҳрида Венгрия футболчилари билан ўтказадилар.

ИККИНЧИ ЭШЕЛОНДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи эшелони бешинчи зонасида қатнашаётган командалар бугунгача олтитадан ўйин ўтказдилар. Стартда карвонбошиликни ўз қўлига олган Жиззахнинг «Бўстон» командаси олтинчи турда сафарда «Актюбинец» билан учрашиб, 1:3 ҳисобида енгилган бўлсада, жадвалда пешқадамлик қилмоқда. «Актюбинец» футболчилари эса бу ғалабадан кейин Жиззах футболчиларига етиб олишди. Бу икки коллектив ҳисобида 9 тадан очко бор.

Олтинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлург» (Чимкент) — «Зарафшон» — 2:1, «Химик» — «Хоразм» — 0:1, «Хева» — «Хўжанд» — 4:0, «Амударё» — «Динамо» — 0:0, «Труд» — «Янгиер» — 2:2, «Строитель» — Наримонов номли колхоз команда си — 2:1, «Сигнал» — «Орбита» — 2:0, «Металлург» — «Пахтачи» — 1:1, «Пахтакор» — «Текстильщик» — 2:0, «Автомобилист» — «Шаҳрихончи» — 1:0, «Қаршистрой» — «Нефтяник» — 1:1.

Фарғонанинг «Нефтяник», Самарқандининг «Динамо», Термизнинг «Автомобилист» ва Қаршининг «Қаршистрой» футболчилари етти тадан очко тўплаб, кучли олтиликдан ўрин олиб туришибди.

БОКСЧИЛАР РИНГГА

Бугун Кёльнда бокс бўйича Европа биринчилиги мусобақалари старт олади. Қитъа мусобақаларида илк бор 91 килограммдан юқори вазнда беллашувлар ўтказилади. СССР терма командаси сафида тошкентлик армиячи Владимир Шин ҳам иштирок этади. Боксчиимиз 75 килограммли чарм қўлқоп усталари вазнида куч синашади. 12 боксчимизнинг 9 таси бундай йирик мусобақада биринчи марта иштирок этади. Бундан икки йил муқаддам Европа чемпиони унвонига эга бўлган бешта боксчимизнинг иккитаси Савченко ва Горстковлар чемпионлик унвонини ҳимоя қилишади.

ТАЛМИ ЕКИ КАРПОВ?

Монреалда жаҳоннинг энг кучли шахматчилари қатнашаётган «юлдузлар турнири»да Михаил Таль билан Анатолий Карпов 16-турда ўзаро учрашдилар. Аввалига жаҳон чемпиони рақибининг таклифини рад этди. Лекин кейинчалик ўзи дурангни таклиф этди. Шундай қилиб 16 турдан кейин 11 очко тўпланган Михаил Таль пешқадамлик қилмоқда. Анатолий Карпов ҳисобида 10,5 очко бор.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ЯНГИЙЎЛ «НОРМАЛЬ» ЗАВОДИГА
ремонтчи-слесарлар, пресс-чилар, қурилиш ишчилари
КЕРАК
Меҳнат ҳақи — ишбай.
Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой бериладм, боғча-ясли ҳам бор.
Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳри, Комсомол кўчаси, 8-уй.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325583; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 329733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01950. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2387.